17 ЙИЛ

МУСТАҚИЛЛИК — БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУҲРАТИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИДИР

2008 ЙИЛ, 25 АВГУСТ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 164 (11.225)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

**ИЛГАРИ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК ЎТГАН КУНИ ШАҲРИМИЗНИНГ ЭНГ СЎЛИМ ВА ГЎЗАЛ МАСКАНЛАРИДАН БИРИ — ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН АНЪАНАВИЙ «МАҲАЛЛА КУНИ» БАЙРАМИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОСҚИЧИ КАТТА ТАНТАНА БИЛАН НИШОНЛАНДИ.**



*«Маҳалла куни»*

## БАЙРАМ ШУКУҲИ





Кўпгина корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида, халқ сайли тарзида ўтказилган ушбу тадбирда минг-минглаб ҳамшаҳарларимиз қовун, нон, гул ва қуш сайиллари, дорбозлар, полвонлар, спортчиларнинг чиқишларидан бир олам таассурот олдилар. Шунингдек мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг алоҳида кўргазмалари, маҳаллада олиб борилаётган ишлар акс эттирилган паннолар кўргазмаси ва амалий ишлар, бир қатор номинациялар бўйича ғолибларни тақдирлаш маросими қатнашчиларда завқ-шавқ уйғотиб, тадбирнинг кўтаринки руҳда ўтишига хизмат қилди.



— Президентимиз ташаббуслари билан жорий йилимизнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши, Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ва ўзини ўзи бошқариш тизими бўлган маҳаллалар нуфузини янада ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси Жамолиддин Шоҳакимов. — Халқимизга хос бўлган бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, саховатпешалик ва меҳр-оқибат кўрсатиш каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар ободлиги, гуллаб-яшнаши, ораста масканга айланиши, давлат ва жамият олдидаги алоҳида ўрни борлигига эътибор қаратилиши албатта ушбу тизимга бўлган юксак ишончнинг ифодасидир. «Маҳалла» жамғармасининг ташкил этилганига 16 йил тўлди, ўтган вақт ичида қанчадан-қанча инсонлар унинг беминнат кўмагидан баҳраманд бўлдилар, ободонлаштириш, бунёдкорлик ва кўкаламзорлаштириш ишларидан эса маҳалла, турар жойлар обод бўлди, хаста дилларга қувонч ҳадя этилди.

Олий Мажлис депутатлари, халқ севган адиблар, санъат усталари, ижодкор ёшлар ва кенг халқ оммаси иштирок этган ушбу тадбирда маҳаллаларда жонкуярлик кўрсатиб ишлаётган, унинг ютуқ ва кўрсаткичларида муносиб ўрни бўлган фуқаролар йиғини раислари ва фаоллар ўн битта номинация бўйича тақдирландилар. Жумладан, «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла» номинацияси бўйича биринчи ўринга

*(Давоми 2-бетда).*

## «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН "ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ" РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИГА СОВРИНЛАРНИ ТАНТАНАЛИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, санъат, маданият, маънавият ва маърифат соҳаларини изчил равнақ топтириш, миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгида она-юртга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини шакллантириш жараёни ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантириш билан ҳамоҳанг тарзда кечаётганини таъкидлади.

Истиқлол йилларида қўлга киритилган асрларга татигулик ютуқлар, Ватанимизнинг тобора ортиб бораётган куч-қудрати, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ижодкорларни янгидан-янги марралар, илғор ғоялар сари илҳомлантирмоқда. Бу эса халқимиз, айниқса, навқирон авлодни эзгуликка даъват этувчи, улар онгу шуурида олижаноб фазилатларни шакллантиришда, мустақил диёримизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзандлар бўлишга чорловчи етук асарлар яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловини ҳар йили Истиқлол байрами арафасида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Бадиий академия ҳамкорлигида ўтказиш яхши анъанага айланган.

Танлов мустақиллигимизнинг мазмун-моҳиятини, қадр-қимматини англаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг муҳим гарови эканини, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар ҳаётимиз қоидасига айланганини таъсирчан ва самарали тарзда бадиий асарлар орқали кўрсатиб беришда катта аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ушбу ижодий беллашув адабиёт, журналистика, тасвирий, фото, кино санъати соҳасида янгидан-янги юксак савияли асарларнинг яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилда мазкур ижодий беллашувнинг ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари, телерадиоижодкорларининг материаллари, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари номинациясида 962 нафар муаллиф 6600 дан ортиқ ижодий иши билан иштирок этди. Бу эса танловнинг мавқеи ва аҳамияти халқимиз, айниқса, ижод аҳли ўртасида тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Тадбирда танлов ғолиб ва совриндорларига мукофотлар топширилди.

Танлов ғолиблари – шоир Салим Ашур, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририяти мухбир-репортёри Шуҳрат Иброҳимов, «Молодежь Узбекистана» газетаси мухбири Александра Спиридонова ва бошқалар ижодкорларнинг меҳнатини қадрлаш, қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатаётган юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

### 1.ЁЗУВЧИ ВА ШОИРЛАРНИНГ БАДИИЙ АСАРЛАРИ БЎЙИЧА:

1-ўрин:
**Салим Ашур** – шоир — "Она тилим" шеърий китоби учун

2-ўрин:
**Энахон Сиддиқова** – ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими масъул котиби — Тиббиёт фидойилари" — замондошлар ҳақидаги очерклар ва ҳикоялар китоби учун

3-ўрин:
**Менглибой Муродов** — ёзувчи (Навоий вилояти) — "Гуноҳ" романи учун

### РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ:

1. **Илҳом Зойир** — Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бўлими мудири — "Ҳолва емаган бола" қиссаси учун
2. **Исмоил Тўхтамишев** — шоир (Қашқадарё вилояти) — "Шонли таянч" шеърий тўплами учун

### 2. БОСМА ОАВ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА:

1-ўрин:
**Ҳулкар Тўйманова** — "Маърифат" газетаси бўлими муҳаррири — Маънавият мавзусида тайёрлаган "Қалб риштаси" мавзуидаги туркум мақолалари учун

2-ўрин:
**Ўроз Ҳайдаров** — "Посбон" газетаси бош муҳаррири (Қашқадарё вилояти) — Истиқлол йилларида ички ишлар тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақидаги материаллари учун

3-ўрин:
**Эрпўлат Бахт** — "Хоразм ёшлари" газетаси муҳаррири — "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросига бағишланган мақолалари учун

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Оман Султонлиги олий таълим вазири Ровия бинт Сауд ал-Бусаидия раҳбарлигидаги делегация пойтахтимиздаги қатор олий таълим ва илмий муассасаларда учрашувлар ўтказди.**

● **«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Фарғона шаҳрида «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси ташаббуси билан ташкил этилган ёш энергетиклар анжуманида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги компанияга қарашли ишлаб чиқариш корхоналарининг 120 нафардан зиёд ёш мутахассислари иштирок этди.**

● **Мустақиллик байрами арафасида Самарқанд шаҳрида «Самарқанд нонлари» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда новвойлар ўз ҳудудларида тайёрланиб келинаётган пўлоти, ширмой, жиззали, пиёзли, гўштли, седанали, патир каби 50 хилдан зиёд нонларни намойиш этишди. Танлов натижаларига кўра Самарқанд ва Пахтачи туманлари новвойлари биринчи ўринни эгаллашди.**

● **Тошкент тумани, Ҳасанбой қишлоқ фуқаролар йиғинида «Оила — муқаддас даргоҳ» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Оила» илмий-амалий маркази вакиллари сўзга чиқиб, оилавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизлар учун яратилаётган имкониятлар, тўй-маъракаларни исрофгарчиликсиз ўтказиш масалаларига эътибор қаратишди.**

● **Олмалиқ шаҳрида ўтказилган ҳудудий меҳнат ярмаркасида Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Пскент шаҳар ва туманларидан 108 та корхона беш минг иш ўрни билан қатнашди. Шу куни 800 нафарга яқин ёш мутахассислар ўзларига муносиб ишларга жойлашишди.**

● **Косон туманининг Пўлати қишлоғида «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзусида дўстлик фестивали ўтказилди. Унда қишлоқдаги касб-ҳунар коллежи ва 73-мактаб ўқувчилари Халқлар дўстлигига бағишланган дастурни намойиш этишди.**

### ЖАҲОНДА

● **Кеча Украинада хавфсизлик чоралари ўта кучайтирилган ҳолатда мамлакат мустақиллигининг 17 йиллиги нишонланди.**

● **Покистоннинг собиқ раҳбари Парвез Мушарраф жорий йилнинг 18 августида истеъфо берганидан сўнг мамлакат сайлов комиссияси президент сайловлари кунини 6 сентябрга белгилади ҳамда номзодлар рўйхати 28 августда тузилишини маълум қилди.**

● **Буюк Британия Ички ишлар вазирлиги ходими юз мингдан ортиқ жиноятчи ҳақидаги маълумотлар сақланган хотира картасини йўқотиб қўйди. Картада шунингдек, 84 минг маҳбуснинг исми, турар жойи, айблов маълумотлари мавжуд эди. Бундан ташқари хотира картасида олти йилдан ошиқ муддатга қамалган 30 минг маҳбус ҳақида ҳам маълумотлар ёзилган. Қизиғи шундаки, бундай ҳолат мамлакат тиббиёт тизимида, ҳатто мудофаа вазирлигида ҳам содир бўлган.**

● **Кеча Қирғизистоннинг Бишкек шаҳри яқинида юз берган авиаҳалокат натижасида сўнгги маълумотларга кўра 68 киши ҳаётдан кўз юмган.**

● **Кеча Жазоир ҳукумати армияси томонидан олиб борилган жанглар натижасида «Ал-Қоида» гуруҳининг ўн нафар жангариси йўқ қилинди.**

● **Кеча Хитой пойтахти Пекинда XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, ўйинлар давомида спортчилар томонидан 40 та жаҳон, 120 та Олимпия рекордлари ўрнатилди. Норасмий умумжамоа ҳисобида эса Хитой, АҚШ ва Россия спортчилари дастлабки учта ўринни эгаллашди.**

● **Цемент ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи компаниялардан бири бўлган Семех Жаҳон банкига мурожаат қилмоқчи. Бунга Венесуэла Президенти Уго Чавес компаниянинг бир қисмини миллийлаштириш ҳақида қарор қабул қилгани сабаб бўлган. Компания бу хатти-ҳаракатни ноқонуний дея баҳоламоқда.**

● **Кеча Доғистон пойтахти Махачқалъада номаълум кимсалар томонидан милиция гуруҳига қуролли ҳужум уюштирилиши натижасида икки тартиб посбони ҳаётдан кўз юмди, биттаси яраланди.**

● **Голландия ҳарбийлари мамлакат тарихида энг катта кокаин партиясини ушлашга муваффақ бўлишди. 167 та қопга солинган 4200 килограмм кокаин Венесуэладан Европага йўл олган ва балиқлар учун озуқа ортиб кетаётган юк ташувчи кемадан топилган. Гиёвандлик моддасининг қиймати 310 миллион долларни ташкил этади.**

## Қисқа сатрларда

● **БУГУНДАН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Очиқ эшиклар куни» тадбири бошланди. Ушбу тадбир бир ҳафта давом этади.

● **БУГУН** Мирабод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида сартарошлик курси қатнашчилари иштирокида «Очиқ дарс» тадбири уюштирилди.

● **МИРЗО УЛУҒБЕК** номидаги истироҳат боғида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ташаббуси билан юртимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги, Ёшлар йили муносабати билан уюштирилган экофестивалда ёшлар иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида педагоглар иштирокида ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг долзарб масалаларига бағишланган анъанавий Август кенгаши ўтказилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Адлия вазирлигида ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбир «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш— асосий вазифамиз» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** «Алгоритм» ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олган бир гуруҳ қорақалпоғистонлик болаларни кузатиш маросими уюштирилди.

● **БОБУР** номидаги маданият ва истироҳат боғида уюштирилган ёш ижодкор техниклар танловида Юнусобод, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек туманлари вакиллари иштирок этишди.

● **АКЦИЯДОРЛИК** тижорат «Ипотека» банкида мутахассислар иштирокида уй-жой қурилишига «Ипотека» кредитини бериш мониторингини ташкил қилиш масалалари муҳокама қилинди.

● «**КАМОЛОТ**» ЁИҲ Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида юртимиз Истиқлолининг 17 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Камолот» сардорларининг 17 туҳфаси» лойиҳасининг моҳиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳомийликларида шаҳримизда яшовчи бир гуруҳ меҳрга ташна болажонлар даволаниш учун Германияга жўнаб кетишди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

# БАЙРАМ ШУКУҲИ



*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалласи муносиб деб топилди. «Маҳаллам тарихини ўрганаман» номинацияси бўйича биринчи ўринга Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласидан Гулчеҳра Каримова, «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» деб Шайхонтоҳур туманидаги «Чинор» маҳалласи маслаҳатчиси Сайёра Муҳамедова, «Фуқаролар йиғинларининг энг фаол яраштириш комиссияси» номинацияси бўйича Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳалласидан Хурсанали Тожиаҳмедов, «Энг обод маҳалла» деб Яккасарой туманидаги «Яккасарой» маҳалласи оқсоқоли Ниғмон Низомов, «Энг ибратли маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси» номинацияси бўйича Собир Раҳимов туманидаги «Намуна» маҳалласи фуқаролар йиғини раисаси Васила Аюпова, «Энг намунали «Маҳалла посбонлари» тузилмаси сардори» деб Чилонзор туманидаги «Наққошлик» маҳалласи сардори Аҳмад Раҳмонов, «Энг намунали «Нуроний» жамоатчилик маркази раиси йўналиши бўйича Учтепа туманидаги «Боғичинор» маҳалласидан Ҳамидулла Турсунов ғолиб чиқди. Шунингдек, «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликни йўлга қўйган намунали маҳалла раиси» деб Сергели туманидаги «Мустақиллик» маҳалласи оқсоқоли Ўткир Маҳкамов, «Маҳалла жонкуяри» номинацияси бўйича олий ўринга Чилонзор туманидаги 195-мактаб директори Маргарита Пак, «Маҳалла ҳудудини ободонлаштиришда ҳашарни «Энг яхши йўлга қўйган» маҳалла» деб Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалласи деб топилиб ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори поғонасини забт этдилар. Ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди. Бундан ташқари Тошкент шаҳар ҳокимияти, корхона, ташкилотлар ҳам маҳалла фаолларига ўзларининг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларини топширдилар.





— «Маҳалла жонкуяри» номинациясида олий ўринга муносиб деб топилганимдан жуда бахтиёрман, — дейди 195-мактаб директори Маргарита Пак. — Тўғриси кутмагандим. Ахир маҳалла таълим-тарбия ўчоғи, айниқса ёшларимизни тўғри йўлга соладиган даргоҳ. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз маҳалла, унинг жонкуяр фаоллари билан яқин ҳамкорликда бўлишимиз керак.

— Вазифамиз ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, Ватан ободлигига ҳисса қўшиш экан, ҳар биримиз бу ишда фаол бўлишимиз керак, — дейди «Энг ибратли маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси» номинацияси ғолиби Васила Аюпова. — Менинг маҳалла ривожи йўлидаги озми-кўпми меҳнатларим муносиб тақдирланган экан бундан кейин ҳам ҳар ишда намуна бўлишга интиламан, ёшларимизни ҳам бу ишга жалб қилишга ҳаракат қиламан. Токи ҳар бир ёш она-Ватан саждагоҳдай муқаддас экани, Мустақилликдек улуғ неъматни асраш, қадрлаш кераклигини тушуниб етсин.

Миллий боғда ўтказилган бир қатор танловлар ичида «Барҳаёт анъаналар» мавзуидаги «Алла» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ҳам барча иштирокчи ва томошабинларда унутилмас таассурот қолдирди. Мумтоз куй-қўшиқлар янграб, миллий қадриятларимиз ўз аксини топган ушбу танловда ўн битта туман вакиллари ўзаро куч синашиб она алласидек жонбахш туйғунинг мақсад-моҳиятини очиб беришга интилдилар. Ниҳоят ҳакамлар ҳайъати томошабинларнинг қўллаб-қувватлашлари остида Шайхонтоҳур тумани вакилларини олий ўрин соҳиби деб эълон қилдилар.

— Ушбу танловга жуда катта тайёргарлик кўрилган эди, — дейди биз билан суҳбатда Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар комиссияси раиси Сурайёхон Пўлатова. — Ёшларимизнинг илмга чанқоқлиги, спортда катта ютуқларга эришаётгани, шу билан бирга умрбоқий қадриятларимизни ҳам ўрганишга интилаётгани уларга берилаётган катта эътибор самарасидир. Ўйлайманки келажагимиз эгалари бўлган ёшлар умид ва ишончимизни албатта оқлайдилар.

— Биз бугун оиламиз билан халқ сайлига келиб мазза қилиб ҳордиқ чиқардик, — дейди Сергели туманидаги «Мустақиллик» маҳалласидан Муҳаббат Содиқова. — Бирибиридан гўзал гуллар, қовунларнинг хилма-хил турлари, мазаси оғизда қоладиган турли хилдаги нонлар, жажжи қушчаларнинг чуғур-чуғурлари озод ва обод Ватанимиздаги тинчлик-тотувликни, шоду хуррамлик ва бахтиёр она-боланикнинг нашъу наволаридир. Ҳамшаҳарларимизнинг гулгун чеҳралари, болажонларнинг хушу хандон қийқириқлари бу бахтиёрлик нафасини бутун оламга кўз-кўз қилаётгандек гўё...

«Маҳалла куни» байрамининг шаҳар босқичида Ўзбекистон санъат усталари, таниқли хушовоз ёш хонандалар, қизиқчи, аскиячилар ижросида шўх қўшиқ, яллалар ва ҳангомалар янграб йиғилганларга хуш кайфият улашиб, барчани даврага чорлади.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев иштирок этди.

***Қоялардан ҳосил***
***бўлганидек тоғ,***
***Дарахтлардан барпо***
***бўлганидек боғ,***
***Маҳалла уюшиб,***
***халқ бўлур бунёд,***
***Маҳалланг ободдир —***
***халқинг ҳам обод.***

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Маҳалла куни» байрамининг шаҳар босқичи халқ сайиллари орқали мана шундай файзли ўтди.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

**БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА БИР ҚАТОР ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА. ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРАР ЭКАНМИЗ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ЖУДА КАТТА. КЕЛИНГ, АНИҚЛАБ ОЛАЙЛИК, ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ ЁКИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ЎЗИ НИМА?**

*Фуқаролик жамияти сари*

# ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛЛАШМОҚДА

1991 йил 15 февралдаги Ўзбекистон Республикаси "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонунининг 1-моддасига асосан ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрий ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, жисмоний тарбия, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Ушбу Қонун тижорат мақсадларини кўзлайдиган ёхуд бошқа корхоналар ва ташкилотлар фойда (даромад) орттиришига кўмаклашадиган кооператив ташкилотларга ҳамда бошқа ташкилотларга, диний ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек, ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган ўзга органларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: "Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади" деб белгилаб қўйилган.

1999 йил 14 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасига асосан жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти – нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Мазкур Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тузиш тартиби, давлат рўйхатидан ўтказиш, фаолиятининг иқтисодий асослари белгиланган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 73-моддасига асосан жамоат бирлашмалари нодавлат нотижорат ташкилотларининг бир тури.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариб ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш, касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш, илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш, аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш, маданий-маърифий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш, табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси, республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга оширишади.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда Қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиб, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириб, уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиб, ўз фаолиятларига таалуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиб жамиятимизнинг қурилишида ҳисса қўшиб келишмоқда.

**Ш.НИЁЗОВ,**
**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими**

*Ислоҳотлар самараси*

# ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧИЛМОҚДА

**СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ ПОЙТАХТИДА ВА ҚАТОР ҲУДУДЛАРДА МУКАММАЛ ЖИҲОЗЛАНГАН ШИФОХОНАЛАР ВА КАСАЛХОНАЛАР, ДИАГНОСТИКА МАРКАЗЛАРИ ПАЙДО БЎЛДИ, МАВЖУД ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ, МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ УСЛУБЛАРИ, МАМЛАКАТИМИЗ ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ОЛИМЛАРИНИНГ ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИНИ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАШ ТИЗИМИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИЛДИ.**

Жумладан, 1-сонли шаҳар болалар клиник касалхонаси фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Бугунги кунда 430 ўринга мўлжалланган ушбу тиббиёт муассасасида жарроҳлик, неврология, реанимация, офтальмология, педиатрия, аллергология ва терапия каби еттита бўлим фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида бу ерда 9 мингдан зиёд бемор болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар болалар касалхонаси шифокорлари ихтиёрига берилган. Мисол учун, фақат Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси гранти бўйича бу ерга 89 минг долларлик тиббиёт техникаси олиб келиб ўрнатилди.

— Болалар клиник касалхонасининг моддий базасининг мустаҳкамланиши бу ерда бемор учун қулай шарт-шароит яратиш, энг муҳими, турли касалликларнинг олдини олиш, ўз вақтида аниқлаш ҳамда даволашга хизмат қилмоқда, — дейди касалхонанинг бош врачи Сайфулло Набиев. — Ўтган йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган Ўзбекистон Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида мамлакатимизга олиб келинаётган ускуналар учун божхона имтиёзлари кўзда тутилган бўлиб, касалхона ва шифохоналар, туғруқхоналар, диспансерларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида янги истиқболлар очди. Ҳукуматимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимининг бундай қўллаб-қувватланиши бутун миллат, саховатли бу заминда истиқомат қилувчи халқимиз саломатлиги ва фаровонлиги тўғрисида қайғуришнинг амалий ифодасидир.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда Россия давлат кутубхонаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган қўшма лойиҳа мамлакатимиз олимларига тадқиқотлар ўтказиш самарадорлигини ошириш, россиялик ҳамкасблари билан ахборот алмашинувини кенгайтиришга кўмаклашади.**

# АКТ — ОЛИМЛАРГА КЎМАКДОШ

Лойиҳа доирасида тўлиқ матнли манбалар, каталоглар билан алмашиш йўлга қўйилди ҳамда уларнинг электрон шакллари яратилмоқда. Масалан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги марказининг электрон кутубхонасидан россиялик ўқувчилар мутахассисларимизнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги тадқиқотлари ҳақидаги кўплаб маълумотларни топиши мумкин. Ўзбекистонлик олимлар эса Россия давлат кутубхонасидаги мавжуд илмий ишларнинг электрон кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга. Кутубхона фонди ҳар йили ижтимоий, табиий ҳамда техник фанлар соҳасидаги қарийб 30 мингта номзодлик ва докторлик илмий ишлари билан бойитилмоқда. Кутубхонада фойдаланувчиларнинг ишларини тезлаштириш учун қидирув тизими уланган.

Ҳамкорликдаги лойиҳа давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ахборот – кутубхона ресурсларини ривожлантиришга қаратилгандир. Бу борада энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотлар кенг қўлланилмоқда. Уларнинг аксарияти ўз мутахассисларимиз томонидан яратилган бўлиб, муқобили йўқ.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

***РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ:***

1. **Александра Спиридонова** – "Молодежь Узбекистана" газетаси мухбири — Ёшлар ҳаётига бағишланган материаллари учун

2. **Аҳмадали Шерназаров** –"Сирдарё ҳақиқати" газетасининг бўлими мудири — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб тайёрланган "Ўзбекистон бўйлаб" мавзуидаги туркум мақолалари учун

## *3. ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ИЖОДКОРЛАРИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ БЎЙИЧА:*

1-ўрин:

**Шуҳрат Иброҳимов** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририятининг мухбир - репортёри — Мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари тўғрисидаги ва маънавий-маърифий йўналишдаги кўрсатувлари учун

2-ўрин:

**Зилола Худойқулова** — Ўзбекистон ЭОАВМА "Истиқлол" телевидениеси бош муҳаррири (Бухоро вилояти) — "Мозийдан садо" мавзуидаги туркум кўрсатувлари учун

3-ўрин:

**Марат Таймуратов** — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири — "Жипек жолы", "Янги аср магистрали" туркум кўрсатувлари учун

**РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ:**

1. **Худойназар Дўстқобилов** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали "Маданий-маърифий, бадиий эшиттиришлар" муҳарририяти бош муҳаррири — "Келажагимиз гарови" ва "Миллий университет: кеча ва бугун" кўп қисмли радиофильмлари учун

2. **Бекпўлат Тоғаев** — Ўзбекистон ЭОАВМА "Жиззах" телевидениеси бош муҳаррири — Миллий ҳунармандчилик ва миллий қадриятлар ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун.

## *4. ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ БЎЙИЧА:*

1-ўрин:

**Муҳаммад Амин (Мамадаминов Алмурот)** – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА фотомухбири — Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётида эришилган ютуқларни акс эттирувчи фотосуратлари учун

2-ўрин:

**Жолдасбек Куттимуротов** — ҳайкалтарош (Қорақалпоғистон Республикаси) — "Ён, ёнавер, юлдузим менинг", "Орол Мадоннаси" ва "Чинорим менинг" асарлари учун

3-ўрин:

**Аҳлиддин Холиқов** — Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг Андижон вилояти бўлими дизайнери — Вилоятдаги маънавий-маърифий соҳада эришилган ютуқларни тарғиб этишга ва Ёшлар йилига бағишланган дизайн ишлари учун

***РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ:***

1. **Суннатилла Сулаймонов** — Ўзбекистон Пазандалар ассоциацияси бош мутахассиси-дизайнери – "Моҳир пазанда", "Шифобахш салатлар", "Лаззатбахш хамирли таомлар", "Шоҳона таомлар" ҳамда "Пишириқлар ва тортлар" китобларига ишлаган бадиий безаклари учун

2. **Абдуҳаким Каримов** — миниатюрачи рассом — Алишер Навоий, Амир Темур, Заҳириддин Бобур ва Мирзо Улуғбек сиймоларини яратган миниатюра асарлари учун

## *5. КИНО САНЪАТИ АСАРЛАРИ БЎЙИЧА:*

1-ўрин:

**Нажмиддин Ғуломов** – "Ўзбекфильм" киностудияси кинооператори – "18-квадрат" фильмидаги операторлик иши учун

2-ўрин:

**Ильмира Раҳимжонова** — Киноактриса — "Забаржад" ва "Ойдиной" фильмларидаги роллари учун

3-ўрин:

**Улуғбек Қодиров** – киноактёр –"Панох", "Ошиқлар" ва "Севгинатор" бадиий фильмларида яратган замондошлар образлари учун

***РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ:***

1. **Мансур Абдухолиқов** – кинорежиссёр — "Робия" ва "Жаҳолат чангалида" фильмлари учун

2. **Лизахоним Ахимбетова** — "Қорақалпоқфильм" киностудияси режиссёри – "Ипак йўли ", "Менинг байроғим" ва "Спорт маликаси" ҳужжатли фильмларидаги режиссёрлик иши учун

### Янги ижтимоий лойиҳалар

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ УЧУН БАРЧА БИРДАЙ МАСЪУЛ

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ АЙНАН ШУ ЙЎНАЛИШДА ОЛИБ БОРАДИ. УНИНГ ТАРКИБИДАГИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ, ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ИДОРАЛАРИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲАР БИРИ БЕВОСИТА ЁКИ ҚИСМАН ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД МАСАЛАЛАРИГА МУТАСАДДИ БЎЛСАДА, КОМИССИЯГА ЖАМ БЎЛГАН ҲОЛДА ТЕГИШЛИ ИШЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ЎСМИРЛАРНИНГ МАНФААТИ, ҚИЗИҚИШИ ВА ҚОБИЛИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ МАҚСАДИДА ИМКОНИЯТЛАРНИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ, МАВЖУД МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ВАЗИФАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛАДИ.**











Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссия томонидан кейинги пайтда бу борада бир нечта янги лойиҳалар татбиқ этилгани ҳам ёшларни ўйлантираётган кўплаб муаммолар ўз ечимини топишида муҳим аҳамият касб этди.

Эслатиб ўтиш жоизки, «Ёшлар йили» Давлат дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда ўтган ойнинг бошларида мазкур комиссия шаҳар прокуратураси билан биргаликда ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчилари учун умумшаҳар бўш иш ўринлари ярмаркасини ташкил этганди. Ушбу тадбирда 170 дан кўп корхона ва ташкилотлар 11 мингдан зиёд ёшларимизга ўз имкониятларини кенг намоён этди. Натижада 4,7 мингдан кўпроқ ўғил-қизларимиз ишга йўлланма олган бўлса, беш мингдан зиёди малакали мутахассисларнинг маслаҳатларидан фойдаланди.

Куни кеча пойтахтимизнинг барча туманларида уюштирилган семинар-тренинг ҳам комиссиянинг шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликдаги янги лойиҳаларидан бири эди. Вояга етмаганларнинг камолоти йўлида тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган ушбу тадбир ноанъанавий мазмуни билан мутахассислар ва бевосита иштирокчилар томонидан юқори эътирофга сазовор бўлди.

— Ёшларимиз ҳақида гап борганда, бизнинг келажагимиз дея фахрланишимиз бежиз эмас. Бунинг остида чуқур маъно ётади. Зеро фарзандларимиз фақат авлодимиз давомчиси эмас, балки миллатимиз, давлатимиз келажаги сифатида ҳам шундай эъзозланади, — дейди шаҳар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби Мадамин Раҳимов. – Дарҳақиқат, бугунги кунда ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказиш масаласи оила доираси билан чекланмасдан, анча кенг даражага кўтарилгандир. Биз демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлида келажагимиз буюк бўлишига интилаётирмиз. Бунинг асоси, пойдеворининг мустаҳкамлиги фарзандларимиз учун қилаётган бугунги саъй-ҳаракатларимизга боғлиқдир. Албатта, шу қисқа вақт — Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги ичида ушбу йўналишда эришилган ютуқларимиз ҳақида бироз тўхталиб ўтилса, фойдадан холи бўлмасди.

Дарҳақиқат, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, яратувчанликка йўғрилган ҳар бир ишимиз эртанги ва порлоқ келажагимиз пойдеворининг тамал тоши, демакки ўзагидир. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури комил шахсни тарбиялаш йўлида мукаммал дастур бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу дастурнинг ўн бир йилдан буён изчил ва мақсадли татбиқ этиб келиниши натижасида ёшларимиз энг юксак талаблар даражасида умумий таълим олиш билан бир қаторда ўз қобилиятини рўёбга чиқариши, жамиятда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун аниқ мутахассисликка эга бўлиш имконини берадиган яхлит таълим-тарбия тизими яратилди. Мазкур дастурнинг халқаро экспертлар томонидан давлат ва жамият қурилишида ноёб модель сифатида эътироф этилаётганининг гувоҳимиз, зеро гап фақат таълим жараёнларига замонавий услублар жалб этилаётганида эмас, балки авваламбор бунинг пировардида бугунги давр талабига мос ҳар томонлама билимли ва етук мутахассисликка эга ёшлар етишиб чиқаётганидадир.

Бугунги кунда умумий таълим деганда, ўқувчи ёшларнинг 12 йил ичида шунингдек, касбий таълим олиши ҳам назарда тутилаётир. Республикамизнинг ҳаттоки чекка-чеккаларини инобатга олган ҳолда шу кунгача 1200 дан кўп, шу жумладан пойтахтда 116 та касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар очилган бўлиб, ўтган йиллар давомида ёшлар ўз салоҳияти ва интилишларидан келиб чиқиб юзлаб мутахассисликка эга бўлишди. 18-21 ёшдаги йигит-қизларимиз орасида олий таълим йўналишида мустақил илмий изланишлар олиб бориб, бакалавр ва магистр даражасини қўлга киритаётганлари ҳам оз эмас. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муҳим бўғини сифатида амалга оширилаётир.

2009 йилгача мўлжалланган ушбу дастур асосида мактабларнинг деярли 90 фоизининг моддий-техник негизи тубдан такомиллаштирилиши натижасида янги кўринишга эга таълим муассасалари замонавий ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Ўз навбатида, педагог кадрлар малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш механизмлари амалда ўз тасдиғини топаётир.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳам Миллий дастурнинг яна бир асосий босқичи ҳисобланиб, қисқа вақт ичида ўз олдига қўйган вазифаларни деярли амалга оширди дейиш мумкин. Жумладан, пойтахтдаги барча мактаб ва спорт мактаблари спорт зали ва майдонлари қайта реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Ҳар бир туманда иккитадан спорт мажмуаси барпо этилиб, уларга 50 мингдан кўп бола спортнинг 10-15 турига жалб қилинган. Аксарият маҳалла ҳудудларида спорт ўйингоҳлари очилгани ҳам диққатга сазовордир.

Қолаверса, бугунги кунда болаларда бевосита мактаб доирасида турли тўгаракларда қўшимча таълим олиш имконияти бор. Бундан ташқари, шаҳар ва туманлар миқёсида ижодиёт марказлари фаолият юритаётир. Мамлакатимиз Президентининг яқинда эълон қилинган Қарорига асосан 2014 йилгача мўлжалланган мусиқа ва санъат мактаблари моддий-техник негизини мустаҳкамлаш Давлат дастури қабул қилингани ҳам давлатимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин исботидир. Республикамизда 303 та мусиқа ва санъат мактаби бўлса, уларда шуғулланаётган 40 мингга яқин фарзандларимиз нафақат у ёки бу чолғу асбоби сир-асрорларини ўрганишга, балки мусиқа санъатининг юксак намуналаридан бохабар бўлишга интилаётир. Пойтахтда гўзалликка ошиққан етти мингдан зиёд ўсмирларни тарбиялаётган 30 та шундай таълим маскани мавжуд. Фарзандларимиз қобилиятини аниқлаш ва ривожлантиришда жамоат ташкилотларининг ҳам ўрни алоҳидадир. Фан олимпиадалари, «Келажак овози», «Ниҳол» каби анъанавий тус олган турли кўрик-танловлар ҳар йили кўплаб янги-янги ёш иқтидорларни кашф этмоқда. Халқаро майдонда ҳам йигит-қизларимизнинг ўз салоҳиятини намоён этиб, давлатимиз обрў-мавқеининг янада ортишига хизмат қилмоқда.

— Буларнинг бари Юртбошимиз раҳбарлигида келажакни ўйлаб юритилаётган оқилона сиёсатнинг меваларидир, — дея фикр билдирди шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи Олимжон Раимов. — Бизнинг тузилма ҳудудий комиссия таркибида бўлмасада, аммо вояга етмаганлар масалаларига тааллуқли ваколати доирасида барча йиғилишларда, кўргазмали тадбирларда фаол қатнашиб келади. Бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари қатори ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида турли мазмундаги кўплаб профилактик тадбирларни амалга оширамиз. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида эса кейинги йилларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг камайишига эришилмоқда, хусусан, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг 11 фоизга камайгани қайд этилди. Сир эмаски, тарбия бобида айнан ўсмирларнинг бўш вақтини унумли банд қилиш алоҳида эътибор талаб этади. Боланинг турли қизиқишлари айнан балоғат сари улғаяётган даврида намоён бўлади. Албатта, бу борада тўғри йўлни танлаш, яхшини ёмондан ажрата билиш кўникмаларини орттиришда ота-онанинг ўрни муҳим. Бироқ бугун ахборот жараёнлари глобал тус олган бир пайтда катталарнинг ўзидан ҳам ўта сергаклик талаб этилади, чунки онги, дунёқараши ривожланмаган, иродаси ҳали шаклланмаган ўсмирнинг ҳамма нарсани тўғри дея қабул қилиш эҳтимоли йўқ эмас... Бу борада, шубҳасиз, ота-оналарга мактаб, жамоатчилик, айниқса маҳалланинг кўмаги асқотади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жойларда ёшларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган тадбирларга ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда ва очиғини айтиш керак, бу борада кейинги пайтда икки томон манфаатини уйғунлаштиришга эришилаётганига кўп мисоллар келтириш мумкин.

Туманлардаги намунали мактаблар қошида ўтказилган семинар машғулотлари алоҳида эътиборталаб болалар учун мана шундай кўламда илк марта ташкил этилишида ҳуқуқ-тартибот органларининг хизмати катта. Кези келган экан, шуни айтиб ўтиш ўринлики, «эътиборталаб бола» деганда, омма тилида «тарбияси оғир» деб тушунилади. Икки кун давомида биз шунга амин бўлдикки, бу болаларнинг алоҳида назорат доирасига тушиб қолиши сабаби оилавий муҳит билан боғлиқ, аниқроғи, бирида ота-онанинг моддий чеклови йўқ ўта ғамхўрлиги бўлса, бошқасида бунинг акси, яъни ота-онанинг ўз фарзандининг на моддий, на маънавий эҳтиёжини таъминлай олмаслигидир. Руҳшунослар фикрига қараганда, бундай оилавий «одатлар» ўсмирларнинг бирон-бир жиддий шўхлик қилиб қўйишига ҳам туртки бўлиши мумкин. Уларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари учун авф этиш ёки этмаслик масаласи эса туман вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияда ҳал этилади. Шаҳар ҳудудий комиссияси ахборотига кўра, ички ишлар профилактик ҳисобига 1387 та 7-18 ёшдаги вояга етмаганлар рўйхатга олинган. Таҳлилларга қараганда, бунинг сабаби, юқорида айтиб ўтилганидек, ёшлар шахс бўлиб шаклланаётган даврида билиб-билмасдан салбий таъсирга тушиб қолишидадир. Семинар давомида бундай тоифадаги болаларнинг ўй ва қизиқишларини ўрганишда психологик вазиятни инобатга олган ҳолда ўта эҳтиёткорлик билан кўпроқ ноанъанавий услублар ва воситалардан фойдаланилгани ҳам шу боисдандир. Ўзаро мулоқотларга йўғрилган бу тадбирларда обрў-эътиборли инсонлар — маҳаллалар оқсоқоллари, таниқли спортчилар, хонанда ва созандалар иштирок этгани, айниқса туман ҳокимлари эркин, очиқ-ойдин ўз ёшлик даврлари ҳақида сўзлаб, болаларга қизиқиши ва интилишлари йўлида оталарча маслаҳат берганлари кўпчиликни ҳайратлантирди десак адашмаймиз. Ўқитувчи ва психологлар томонидан уюштирилган интерфаол машғулотлар орқали ҳам болалар кўнглига йўл топишга эришилди дейишга ҳақлимиз.

— Сўровномалар ҳам иштирокчиларимизда катта таассурот қолдирди ва айни пайтда улар бўйича якуний хулоса чиқариш арафасидамиз, — дейди «Камолот» ЁИҲ шаҳар кенгаши раиси Азимжон Мирзажонов. — Талаб этилмаган бўлсада, аммо болалар ўз исм-шарифларини қайд этгани ишимизни анча енгиллаштирди, яъни уларнинг орзу-умидларини манзилли қўллаб-қувватлаш имконияти бор. Дастлаб шуни айтиш мумкинки, болалар таклифидан келиб чиқиб, баъзи туманларда қўшимча ижодиёт марказлари ёки янги йўналишдаги тўгараклар очиш режалаштирилади.

Рўйхатдан муддатидан илгари чиқишга интилаётган болаларга ҳам биринчи навбатда ўқишларини яхши ўзлаштиришда жойлардаги сардорларимиз албатта ўз ёрдамини аямайди.

Мутахассисларнинг тушунтиришига қараганда, мактабларда тузилган жамоатчилик кенгашлари айнан рўйхатга тушган ўқувчилар билан турли профилактик ишларни амалга оширади. Бевосита синф раҳбари томонидан эса алоҳида эътибордаги боланинг фанларни ўзлаштириши, саломатлиги ҳолати, жамоат ишларида иштироки бўйича кузатув харитаси тўлдириб борилади ва ҳар чоракда тегишли хулоса чиқарилади. Ижобий ўзгаришларга қараб, мактаб маъмурияти ва маҳалла туман комиссиясига ўсмирни рўйхатдан чиқариш юзасидан тавсия киритади.

— Боланинг рўйхатга тушиб қолишига келсак, кўп ҳолларда вазиятни ота-оналар мураккаблаштириб юбораётгани маълум, — таъкидлаб деди Юнусобод тумани халқ таълими бўлимининг вояга етмаганлар ишлари бўйича бош мутахассиси Саодат Султонова. — Гарчанд болаларнинг арзимаган сабабдан бир-бирига етказган жисмоний ёки маънавий жароҳатини ўзаро келишиб, ҳал қилиш имконияти бўлишига қарамасдан, бир томон ота-онаси албатта тиббий хулоса чиқаришга ошиқади ва ички ишлар идорасига мурожаат қилади. Бунинг натижаси эса...

— Бироқ ҳам педагог, ҳам она сифатида ўйлайманки, бундай вазиятларда холис томон фикри албатта инобатга олиниши даркор, — дейди 28-мактаб директори Дилдора Орипова. – Албатта, бу борада ўқитувчилар зиммасида катта масъулият ётади. Мактабимиз мисолида шуни айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда таълим муассасаларимиз XXI аср даражасида такомиллаштирилди. Демак, ўқитувчи фарзандларимизнинг билим олиши, мактаб чоғидан бошлаб ўз қобилиятини намоён этишлари учун бел боғлаган экан, бу масъулиятни фидойиларча амалга оширмоғи лозим. Бу шунчаки баландпарвоз гаплар эмас. Қайси бола шўхлик қилмайди?! Бундай пайтда уни дарров жисмоний ёки маънавий койиш эмас, балки қалбига йўл топишга ҳаракат қилмоқ лозим. Ўқитувчи боланинг психологиясини тушунмас экан, у устоз деган номга сазовор бўла олмайди. Ёшларимизга кўпроқ ишонч билдиришимиз керак. Масалан, бизнинг мактабимизда ҳар бир синфда сайланган синф президенти раҳбарлигида ички муаммолар ҳал этилади, яъни ўзига хос ўзини ўзи бошқарув тизими асоси яратилган. Ўқувчилар кучи билан радиотармоқ доимо ишлаб туради. Тадбирларимиз ўқувчилар сценарийси асосида олиб борилади. Катталар томонидан билдирилган ишонч ёшларнинг мустақил шахс сифатида шаклланишида муҳим омил вазифасини ўтайди десам муболаға бўлмайди.

— Бу борада маҳалланинг ҳам ўрни беқиёс, — мавзуни давом эттиради Учтепа тумани вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби Лимара Бекирова. — Бежиз донишманд ота-боболаримиз «Бир болага етти маҳалла ота-она» демаганлар. Хусусан, биз маҳаллалар билан ҳамжиҳатликнинг аҳамияти нечоғлик муҳимлигини амалда кўп синовдан ўтказганмиз. «Бешқайрағоч», «Бирлик», «Дегрез», Ал Хоразмий, Соғуний номли маҳалла оқсоқоллари тарбиясида нуқсони бўлган болаларни шахсан ўзлари оталиққа олганликлари туфайли ижобий ўзгаришларга эришилди ва натижада уларнинг 80 фоизи назорат марказидан халос бўлди. Лекин, масалан, уйдан чиқиб кетиб тентираб юришни хуш кўрадиган болаларни рўйхатга олмасликнинг асло иложи йўқ. Бундай руҳий ўзгариши бор болаларни даволаш даври анчага чўзилади ва бу борада тиббий муассасалар хайрихоҳлик қилаётганини алоҳида айтиб ўтмоқ лозим.

Туман халқ таълими бўлими бошлиғи Салтанат Тўлаганованинг таъкидлашича, болалар «оғир» бўлиб туғилмайди, бунга фақат оиладаги номаъқул муносабатлар эмас, балки атроф-муҳитдаги салбий оқибатлар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

— Шубҳасиз, тарбияда авваламбор шахсий ибрат муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун нафақат фарзандларимиз, балки ўзимиз ҳам соғлом ишлар билан машғул бўлишга эришмоғимиз лозим,— дейди С. Тўлаганова. — Афсуски, мавжуд камчиликлар бу оддий ҳақиқатларга ҳар доим ҳам амал қилинмаётганидан далолат беради. Биргина бизнинг туманда 158 та бола профилактик ҳисобга олингани ташвишга солмаслиги мумкинми? Демак, қаердадир эътиборсизлик, аниқроғи масъулиятсизликка йўл қўйилган... Ўтган йили қайта қурилиб, замонавий кўринишга эга бўлган 116-мактабда ота-оналар ва ўқувчилар учун ўтказилган кўргазмали семинар, ишончим комилки, кўпчилигимиз учун ишларимиз самарасини оширишда ўзига хос сабоқ мактаби бўлди. Катталар ва болалар билан бундай очиқ мулоқотларни тез-тез ўтказиб туришимиз лозим, қолаверса, тарбия масалаларида таъсир доирасини оширишда айниқса оталар кенгашларининг ўрни сезиларли бўлмоғи даркор. Болаларни назорат қилиш воситаси сифатида кўпроқ тўгараклар аҳамиятини кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Тренинг пайтида шу маълум бўлдики, «оғир» болаларнинг аксарияти қўшимча таълимга жалб этилмаган, бўш вақтини ота-оналари эътиборидан четда ўтказади. Биз ана шундай масалаларга алоҳида урғу бермоғимиз даркор. Бу йил ёз даврида кам таъминланган оилаларнинг 1800 нафар фарзандининг мактаблар қошидаги соғломлаштириш масканларида дам олишини таъминладик. Албатта, бу жуда оз кўрсаткич, демак кейинчалик болаларнинг дам олишини ташкил этиш дастурларимизда шу масалаларга жиддий ёндошишимиз талаб этилади. Икки кунлик семинар давомида фарзандларимиз барча машғулотларга қизиқиш билан қатнашишди. Уларни спорт мусобақаларида беллашгани, «Тошкентлэнд» оромгоҳи ва ҳайвонот боғида мароқли дам олишганидан қувончи ичига сиғмаётганини кўриб, бизнинг ҳам кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Болаларимизнинг бундай қувончли дамлари, бахту саодати учун бағрикенг инсонлар томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликни кўриш ҳаммамизга насиб этсин.

Дарҳақиқат, ҳозирда ёшларимизнинг бугуни ва порлоқ истиқболи йўлида қилинаётган ишларнинг кўлами беқиёс. Шундай экан, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, ўғил-қизларимиз қандай қадриятлар сари интилаётгани, қандай орзу-ниятлар ва ўй-хаёллари билан яшаётганига лоқайд ва бефарқ қарамаслигимиз керак. Ота-она, устоз-мураббий, етакчи-раҳбар – ким бўлишидан қатъи назар – бу жараённи четдан туриб кузатиб туришга ҳаққи йўқ. Зеро фарзандларимиз келажаги учун барчамиз бирдай масъул эканлигимизни унутмайлик.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**СУРАТЛАРДА: тадбирлардан лавҳалар**

**Ҳакимжон Солиҳов ва Абу Ҳабиб олган суратлар.**

# СИРЛИ ОЛАМ

## Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Райс университетининг мутахассислари зилзилани олдиндан аниқлашга эришдилар. Олимлар узоқ йиллик илмий кузатувлар ва тадқиқотлар давомида табиий офат содир бўлишидан бир неча соат аввал ер сокин тебраниб огоҳлантирувчи сигнал беришини аниқладилар. Тадқиқот Тинч океани ва Шимолий Америка тектоник плиталарида ўтказилди. Сув қаърига махсус қурилма ва сейсмометр туширилиб, доимий ер силкинишлари ва сейсмик тўлқинлар кузатилди. Синов пайтида икки маротаба зилзила содир бўлди. Олимлар табиий офатни биринчисини икки соат, иккинчисини эса ўн соат олдин аниқлашга эришдилар. Бу кашфиёт зилзиладан аввал аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш имконини беради.

● «Forbes» журнали энг кўп даромад топаётган Голливуд актёрлари номларини эълон қилди. Журнал ходимларининг кузатишлари шуни кўрсатмоқдаки, 2007 йилнинг биринчи июль санасидан жорий йилнинг шу кунига қадар 80 миллион доллар миқдорида пул ишлаган Уилл Смит бу борада барча ҳамкасбларини ортда қолдирган. Етмиш икки миллион доллар миқдорида бойлик орттирган Жонни Депп бойвачча актёрлар рўйхатида иккинчи бўлиб турибди. Шунингдек, кучли ўнликда Эдди Мерфи, Леонардо Ди Каприо, Майк Майерс, Брюс Уиллис, Бен Стайлер, Николас Кейж, Уилл Феррел ва Адам Сэндлер каби таниқли номларни кўрамиз. Таажжубланарлиси, мазкур рўйхат кучли ўнлигидан аёл актрисалардан фақатгина Камерин Диаз жой олган холос. Унинг йиллик даромади 55 миллион долларга тенг экан.

● «Reuters» агентлигининг хабар беришича «Microsotf» корпорацияси асосчиси Билл Гейтс ва Нью-Йорк мэри Майкл Блумберг «глобал тамаки эпидемияси»га қарши курашишга 375 миллион доллар ажратишни ваъда қилган. Жаҳондаги энг бой одамлар сирасига кирувчи миллиардерларнинг фикрига кўра, олдимиздаги юз йил мобайнида ер юзида кашандаликдан бир миллиардга яқин киши ҳалок бўлиши мумкин экан. Блумберг бир неча йил олдин чекишга қарши курашиш учун 125 миллион доллар ажратган эди. Яқин тўрт йил мобайнида бу маблағга яна 250 миллион доллар қўшмоқчи. Бу вақтда эса Билл ва Мэлинда Гейтсларнинг хайрия ташкилоти шу мақсадда 125 миллион доллар сарфлайди. Блумберг ва Гейтс асосий эътиборни ривожланаётган мамлакатларда кашандаликка қарши курашиш муаммоларига қаратишмоқчи. Маълумотларга кўра, дунё бўйича кашандаларнинг учдан бир қисми 350 миллионга яқин киши Хитойда истиқомат қилади.

● Бельгиялик меъмор Венсент Каллибо ўзига хос ва ажойиб лойиҳаси билан шаҳарнинг шовқин-суронли ҳаётидан, автомобиллар тирбанд кўчаларидан безор бўлган инсонларни бениҳоя хурсанд қилди. У эллик минг кишини ўз бағрига сиғдира оладиган, уммон инжиқликларига қарамай сузиб юрувчи орол қуришга киришмоқда. Сунъий оролнинг ташқи кўриниши нилуфар гулидан олингани сабабли лойиҳа оқ нилуфар гули деб номланди. Жаноб Каллибонинг сўзларига кўра, оролчада турли хил ўсимликлар, мевали дарахтлар ўтқазилиб, боғлар, фермалар ташкил этилади. Шаҳарчада ҳавони ифлослантирадиган корхоналар ўрнига савдо шохобчалари, бизнес марказлари барпо этилади. Электр энергиясини шамол ва қуёш нуридан олиш мўлжалланмоқда. Антиқа оролни қуришга кетадиган маблағ миқдори сир сақланмоқда.

● Бугунги кунда вақтни белгиловчи восита ҳисобланган соатларнинг тури жуда кўп. Бироқ том маънодаги механик соатни IX асрда италиялик Патцирик исмли соатсоз ихтиро қилган. XIV асрдан шпинделли механик соатларни ясаш расм бўла бошлади. Ушбу соатларда ҳозирда деворга осиладиган соатларнинг барча асосий қисмлари мавжуд бўлган. Россияда эса 1404 йилда руҳоний Л.Сербин улкан миноравий соат ясаб уни Москва шаҳридаги Кремлга ўрнатган. XV-XVII асрларга бориб миноравий соатлар ясаш кенг расм бўлди. XVI аср бошида нюрнберглик чилангар П.Халейн спиралсимон пўлат пружина билан ишлайдиган шпинделли чўнтак соатини ясаган. Бундай соатлар ёнда олиб юриш учун қулай бўлгани сабабли жуда кенг тарқалди. Ўз навбатида буюк итальян олими Г.Галилей томонидан маятник тебранишига боғлиқ қонуниятнинг кашф қилингани ҳам аниқ ишлайдиган соатнинг яратилишида муҳим аҳамият касб этган. Механик соатларнинг ихтирочиси эса машҳур голланд олими Х.Гюйченс ҳисобланади.

● Париж университети профессори Нантер Резников узоқ йиллик тарихга эга ғорлардан бирида изланишлар олиб борган чоғида қизиқ ҳолатга дуч келди. Гап шундаки, жаноб Резников яхши куй шайдоси бўлиб, куй садоси остида археологик қидирув ўтказаётган эди. Шу пайт профессор баъзи жойларда жарангдор куй янграётганини сезиб қолиб, диққатини бир жойга жамлаб, деворларни синчиклаб кузатди. Куй баланд янграётган ғор деворида қадимий суратлар чизилганини кўрди. Олимнинг сўзларига кўра, ғорнинг бир қисмида қадимда урф-одатлар ва турли хил маросимлар ўтказилган экан.

● Яқинда Японияда ажойиб открикалар чиқарила бошланади. Уларга қоғоз қалинлигидек юпқа электр батарейка қистирилган бўлиб, табрикномани очиш билан ёзилган сўзларнинг порлаб туришини кўриш мумкин. Бундай қоғоз батарейкалардан унча кўп электр энергияси талаб қилинмайдиган асбобларда — калькулятор ва фотоаппаратларда фойдаланиш мумкин. Унинг афзаллик томони шундаки, батарейкани хоҳлаган шаклда ўзгартириб турли конструкцияларга мослаш мумкин.

● Олимлар безгак касаллигига қарши кураш йўлида муваффақиятга эришдилар. Улар бунга қизил қон таначаларини назорат остига олиш жараёнини ўрганиш йўли билан муваффақ бўлдилар. Кузатишлар давомида организмга тушган паразит тананинг иммунитет тизими орқали чиқариб юборилишига тўсқинлик қилувчи ёпишқоқ моддани аниқлашган. Ушбу модда таркибида биргина ҳужайрани олиб ташлаш орқали касаллик авж олишини тўхтатиб қолиш мумкин экан. Мельбурн тадқиқотчилари елимсифат модданинг зарарланган тўқимага ёпишишига кўмаклашувчи инсон танаси учун ўта муҳим саккизта оқсилни аниқлашган. Профессор Алан Ковманнинг айтишича, ана шу оқсилларни мўлжалга олиш безгакка қарши курашишда асосий қурол бўлиши мумкин. Маълумки, безгак даволаса бўладиган, аммо ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаса ўлимга олиб келадиган хасталикдир. Касаллик ҳар йили дунё бўйича 1 миллиондан ортиқ одамнинг умрига зомин бўлади.

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ОГАҲИЙ

### ҲИКМАТЛАР

Йўқтур сабот ушбу жаҳон идбору
иқболиғаким,
Олданмағил оқил эсанг асбобу
амволиғаким,

* * *

Эй кўнгул, қил борча комингни худодин
мултамас,
Истасанг роҳат замона
аҳлидин пайванд кас,
Комрон ўлмоқ тилаб шаҳ
хизматин қилма ҳавас.

* * *

Факр элиға кулбаси мулки жаҳондин
яхши,
Онда эски бўрё тахти Каёндин яхши,
Тинчлиқ бирла атола нўши жондин яхши.

* * *

Аҳли дунёким эрурлар
одамиликдин йироқ,
Пешаси озору миннат, одати кийну нифоқ.

* * *

Агар ҳушинг эса бир дам эшит
пандимни; эй одам,
Ема ҳайвон мисиллик ҳарна келса
олинга ҳар дам.

* * *

Қаноат гулшани иззатға элни айлабон
восил,
Тамаъ зиндони зиллатға қилур берайбу
шак дохил.

* * *

Оҳким, бу дайрнинг айшиға йўқтур
эътибор,
Ишратидин сурату усрат бўлибдур ошкор.

* * *

Ишқ таврида вафо аҳлиға бордур ўзга ҳол –
Ким, бериб юз жон қилурлар сўнгра
уммиди висол,
Қилмасун ҳар булъҳавас даъвойи ишқ
этмак хаёл.

* * *

Хоби жаҳолатдин айил, мағрури давлат
бўлмоғил,
Тангри рукуиға эгил, ҳар лаҳза оч
шукриға тил,
Лутф илги бирла муттасил фақр аҳли кўз
ёшини сил.

* * *

Гар қил ғино авжини йўл, вар кўҳи фақр
остида ўл,
Шукриға доийм қўй кўнгул, аҳли ризо
ичра қўшул.

* * *

Қою ошиққи, онинг дилбари сийминсақоқ
ўлса,
Юзи гул, сочи сунбул, сарв қад, ширин
дудоқ ўлса,
Ажаб эрмастурур сабру шикиб ондин
йироқ ўлса.

* * *

Бу даврон ичра бордур ҳар кишиким
оқилу фозил,
Онинг шаънида чархи сифлапарвар
зулмидур комил.

* * *

Токи ақлу хираду ҳуш ила дучор ўлдим,
Ғаму дарду алам илгига гирифтор ўлдим.

* * *

Ким эса жоҳил ўлуб соҳиби иззу иқбол,
Чархдин коми муродин топиб, ўлди
хушҳол,
Лек ҳар ким эса аҳли ҳунару фазлу
камол,
Меҳнату дарду алам хайлиға бўлди
помол.





*2008 — Ёшлар йили*

# ДУНЁНИНГ ШОДЛИГИ БОЛАЛАР БИЛАН

**ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА ЁШ АВЛОДНИ МУСТАҲКАМ ЭЪТИҚОД ВА ЭЗГУ ҚАРАШЛАР, МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҲУРМАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, ЁШЛАРДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА ИНТИЛИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ОИД МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН.**

Бу борада мактабгача таълим муассасаларида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни пойтахтимиздаги 180 нафар кичкинтой тарбияланаётган 328-«Ҳумо» болалар боғчаси фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

— Муассасамиз нутқида нуқсони бор болаларга мўлжаллангани учун қарийб 50 нафар педагог ўз билим ва малакасини аввало болаларнинг нутқи ва тафаккурини ривожлантиришга бағишламоқда, — дейди боғча мудираси Мактуба Шарипова. — Тарбиячи мураббийлар томонидан ота-оналар билан ҳамкорликда ҳар бир боланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўйинлар, машғулотлар олиб борилади. Болалар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказилади.

Муассаса ходимлари жорий йилда «Кўргазмали ривожлантирувчи ўйинчоқлар» кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб бўлди. Болаларни жисмоний жиҳатдан ривожлантириш, миллий ўйинлар билан таништириш, спорт билан шуғулланишга кўниктириш мақсадида «Соғломжон — полвонжон», «Тўғри мўлжалга ол», «Эртаклар оламига саёҳат», «Ким узоққа отади» каби мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Эртанги кунимиз эгалари — болаларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик ўз самараларини бериши шубҳасиз.

**Абу Бакр ЎРОЗОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган суратлар**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
ХАЛҚ БАНКИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИНИ
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ
БАЙРАМИ БИЛАН
чин дилдан самимий муборакбод этади.
Сиз, азизларга мустаҳкам соғлиқ, оилангизга
бахт-саодат, хонадонингизга шодu хуррамлик,
дастурхонингизга қут-барака тилайди.
Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин.

Байрам муносабати билан
Сизларга янги «Мустақиллик совғаси»
ютуқли омонат турини
ТАКЛИФ ЭТАМИЗ
Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга,
чекланмаган миқдорда Халқ банкининг
барча муассасалари орқали қабул қилинади.
Сиз фоиз даромадини олиш билан бир вақтда
қўшимча 1 000 000 сўм пул ютуғи
совриндори бўлиш имкониятига эга бўласиз.
ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!



Хизматлар лицензияланган.

*Маданият масканларида*

# БОҒДА ХОТИРА ТАДБИРИ

**ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ УНУТИЛМАС УЛУҒ ИНСОНЛАРИ БЎЛАДИ АЛБАТТА. БИЗ КЎПИНЧА «ЭЛ СЕВГАН ИНСОН» ДЕГАН ИБОРАНИ ТИЛГА ОЛАМИЗ. МАНА ШУНДАЙ ЭЛ СЕВГАН ИНСОНЛАР ОРАМИЗДА ТАЛАЙГИНА.**

Шундай инсонларни тириклик чоғида эъзозламоқ, ёшларимизга намуна қилиб кўрсатмоқ, ижодий фаолияти ҳамда тажрибаларидан баҳраманд бўлмоқ ҳар биримизнинг вазифамиз, уларнинг хотирасини ёд этмоқ бурчимиздир. Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи жамоаси кейинги йилларда маданиятимиз, санъатимиз, илму фанимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган ҳамда ҳозирда ҳам бу борада улкан ишларни амалга ошириб, халқимиз эъзозига сазовор бўлаётган юртдошларимиз ҳақида туркум тадбирлар уюштириб келмоқда. Ўтган давр ичида боғда «Барҳаёт сиймолар» туркумида таниқли санъаткорлар Фаттоҳхон Мамадалиев, Таваккал Қодиров, Саттор Ярашев,Комилжон Жабборов, Жўрахон Султонов, Ғафур Азимов, Меҳри Абдуллаева ва бошқа шу каби санъатимиз дарғалари хотирасига бағишлаб тадбирлар ўтказилди. Унда асосан маданият, санъат, илм-фан соҳаси ходимлари, олий ўқув юртлари ва коллеж, лицей, ўқитувчи ва ўқувчилари, маҳалла аҳли иштирок этиб келмоқдалар.

Яқинда мана шу туркумдаги тадбирлардан навбатдагиси ўз қўшиқлари билан мухлислари қалбида ёрқин из қолдирган санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Охунжон Мадалиев хотирасига бағишланди. Севимли хонандамиз ҳаёт бўлганида бу йил 45 ёшни қаршилаган бўлар эди. У қисқа умри давомида санъатимиз осмонида ярқ этиб кўзга кўринди ва дилтортар қўшиқлари билан халқимиз қалбидан ўрин олди. 1997 йилда «Шухрат» медали билан тақдирланди. 1999 йилда эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди.

Охунжон Мадалиевнинг хотирасига бағишланган кечада унинг устозлари, шогирдлари, санъатшунослар сўзга чиқиб, хушовоз хонанданинг бетакрор ва сермаҳсул ижоди, кўнгилга яқин, дардчил қўшиқлари ҳақида ҳаяжонга тўлиб хотирладилар. Шунингдек, устоз ва шогирдларининг санъаткор хотирасига бағишлаб айтган қўшиқлари йиғилганлар олқишига сазовор бўлди. Тадбир давомида бир қатор эл севган санъаткорлар, хонандалар ижросидаги оҳанрабо куй-қўшиқлар, жозибали рақслар кечага янада файз бағишлади.

**Дилором ИКРОМОВА**

*Футбол*

# ЖАМОА ТАРКИБИДА ЯНГИ ФУТБОЛЧИ

**ЖОРИЙ ЙИЛГИ МАВСУМНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗАЁТГАН «БУНЁДКОР» ЖАМОАСИ САФИДА ЧИЛИЛИК ЧАРМ ТЎП УСТАСИ ХОСС ВИЛЬЯНУЭВА ТЎП СУРАЁТГАНИДАН МУХЛИСЛАРНИНГ ХАБАРИ БОР АЛБАТТА.**

Куни кеча «Бунёдкор» клуби матбуот хизмати тарқатган хабарга қараганда пешқадам жамоа раҳбарияти янги футболчи, лотин америкалик легионер Луиз Карлос Насименту Жуниор, яъни Луизао билан шартнома имзолаган.

Шуниси эътиборлики, янги футболчи 21ёшда бўлиб, майдоннинг ҳар бир чизиғида тўп сура оладиган маҳоратли, универсал чарм тўп устаси ҳисобланади.

Ҳозирча 1 йилга тузилган шартнома «Бунёдкор»га муваффақият келтирадими ёки йўқми, буни вақт кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мамлакатимиз етакчи жамоалари сафига хорижлик легионерларнинг кўплаб жалб этилиши фойдадан холи бўлмайди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

## *Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!*

*Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.*

*Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.*

*Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.*



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3200 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3456

Топширилган вақти: 14.30